2011 йил 10 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 49 (11.860) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**«Ulug` Ouatillo» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда кенг миқёсда изчиллик билан амалга оширилаётган истиқодийислоҳотлар меваси сифатида фаолият бошлаган. Корхонада олий навли, тозаланган, йодланган ош тузи ишлаб чиқарилади. 10 нафар малакали ишчи-хизматчиларга замонавий техника ва технологик линиялар мададкор бўлмоқда. Мазкур дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортмоқда.**

Иқтисодиёт

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАДАДИДА

— Корхонамизда сифат менежменти тизими — ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида амалга ошириладиган ишларни сифатли, бенуқсон ва ортиқча харажатларсиз бажаришга йўналтирилган тизимни жорий қилиш эзгу мақсадимиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Улуғбек Йўлдошев. — Унинг жорий этилиши тегишли тартибда сертификатлашни тақозо қилади. Бу маҳсулот намунасини танлаш ва синаш, шунингдек, корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг иш сифатини текшириш натижасида берилади. Айнан шу ҳужжат корхонада хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнлар сифатини таъминлаш тизими мавжудлигини тасдиқлайди. Корхонада ҳозирда амал қилинаётган маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати унинг муайян стандарт талабларига мослигидан далолат берадиган ҳужжатдир. Бундай ҳолда маҳсулотнинг сифати махсус лабораторияда синаш орқали аниқланади.

Дарҳақиқат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда бугунги кунда талаб қилинаётган стандартларни жорий этишга катта эътибор берилмоқда. «Ulug` Ouatillo» МЧЖда ҳам аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олишда зарур дармон воситалари қаторига киритиш мумкин бўлган, кундалик зарур эҳтиёж ҳисобланган уч турдаги — олий, экстра ҳамда биринчи навли туз тайёрланади ва қадоқланиб сотувга чиқарилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида доимий изланилиши боис, корхона қошида жойлашган дўкондан харидор истеъмолчи сифатида корхона маҳсулотлари, янги лойиҳалар хусусида сотувчи-маслаҳатчидан ўзини қизиқтирган саволларга маслаҳат олиш имконияти яратилган. Шунингдек, корхона тасарруфидаги аналитик кимё лабораториясининг нақадар муҳимлиги йилдан йилга буюртмачилар сафи ортиб бораётганида яққол акс этмоқда.

Масалан, ушбу жамият иш бошлаган йили 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йилги кўрсаткич 15 миллион сўмдан зиёдни ташкил қилди. 2009 йилда цехда бир кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 2-3 тоннани ташкил этган бўлса, ўтган йили у 5-6 тоннага кўтарилди. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган корхона пойтахтимиздан ташқари, республикамизнинг кўпгина вилоятларига буюртма асосида сифатли туз етказиб бермоқда.

Жорий йилда ҳам корхона маҳсулотлари турини кўпайтириш борасида изчиллик билан иш юритмоқда. Бунда харидорлар талаб ва таклифлари инобатга олинади. Корхонани замон талаблари даражасида модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш дастури асосида ишларни давом эттириш режалар қаторига киради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси «Италия-Ўзбекистон» савдо палатаси билан ҳамкорликда Флоренциянинг «ПромоФиренце» Савдо-саноат палатасида «Ўзбекистонда Италия корхоналари учун улкан истиқболлар» мавзуида бизнес-форум ўтказди.**

## ФЛОРЕНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Тадбир доирасида Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, хусусан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиётни модернизация қилиш ва саноат тармоқларини техникавий-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурига киритилган устувор лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Тоскана минтақасининг нефть ва газ ҳамда тўқимачилик асбоб-ускуналари, қурилиш моллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форум қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби тарқатилди.

**Флоренция Савдо-саноат палатаси раиси Р.Понтелло** Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг кўламли дастурлари ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаш, кенг миқёсда хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш, кредитлар ажратиш ва имтиёзлар бериш орқали кичик ва ўрта корхоналар тараққиётини таъминлашни кўзда тутишини таъкидлади.

Хусусан, у ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор инновация ва замонавий технологияларни қўллашга қаратилаётганини алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, мазкур чора-тадбирлар янги иш ўринларининг яратилишига, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг барқарор тарзда ўсишига туртки бўлади. Бу, ўз навбатида, янги сармояларни шакллантириш ҳамда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш учун қулай имконият яратади.

«**ПромоФиренц**» **Савдо-саноат палатаси бош директори Л.Больдрин** Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, Ғарбнинг илғор технологияларини мамлакатга олиб кириш, экспорт кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий салоҳиятни жадал суръатларда тараққий эттиришга йўналтирилган, хорижий сармоядорларни жалб қилишга қаратилган фаол сиёсат олиб бораётганини айтиб, «Бу республикада ишлаб чиқариш ва самарадорликни янада ошириш имконини беради», дея алоҳида таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Германиянинг Берлин шаҳрида 9 март куни «ITB Berlin – 2011» халқаро сайёҳлик ярмаркаси бошланди. Унда 187 мамлакатнинг ўн бир мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компанияси вакиллари, экспертлар ва олимлар иштирок этмоқда. Тадбирда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда.**

## «ЎЗБЕКТУРИЗМ» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа инфратузилмасини изчил ривожлантириш, сервис хизматини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Сайёҳларни тарихий обидалар, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати буюмлари намуналари билан таништириш ишлари ҳам халқаро мезонлар доирасида олиб борилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи спортига қизиқувчилар кўпаймоқда. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар тарихий, маданий ва диний соҳага оид кўплаб маълумотларга эга бўлаётир.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга 1993 йили аъзо бўлган. Юртимизда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда ҳар йили халқаро сайёҳлик ярмаркалари, соҳага оид кўплаб халқаро конференция ва семинарлар ўтказилаётир. 2010 йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаининг мамлакатимизга ташрифи ўзаро алоқаларни янги поғонага кўтариб, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотларига кўра, мамлакатимиз ҳар йили икки миллионга яқин хорижий сайёҳни қабул қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Берлинда ўтказилаётган халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла ишга солиш юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✔ **КЕЧА** Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

✔ **БУГУН** Республика Болалар кутубхонасида «Ахборот-ресурс марказлари, мактаб кутубхоналарининг жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги» мавзуида анжуман ташкил этилди.

✔ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида 8-12 ёшли болалар ўртасида «Наврўзи олам муборак» мавзуида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

✔ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» маҳалласида соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг ёшлар таълим-тарбиясига бағишланди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»-ги Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси таҳлил этилган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва корхоналар вакиллари иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда «Қишлоқ жойларда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш» мавзуидаги семинар-тренинг ташкил этилди.**

**● Андижон вилояти Бўз туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 12 та замонавий турар жой ўз эгаларига топширилди. Тоза ичимлик суви, табиий газ каби барча коммуникация тармоқларига уланган ушбу муҳташам иморатларни барпо этиш учун 812 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Эндиликда янги уй эгалари Наврўз байрамини муҳташам ҳовлиларида нишонлайдиган бўлишди.**

**● Бухоро туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига уланди. Натижада 702 нафар ўғил-қиз таълим олаётган даргоҳда ёшлар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида илм-фандаги энг сўнгги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бормоқдалар.**

**● Хонқалик тадбиркор Давлатжон Қурбонов Мадир қишлоғида «Жайхун-парранда» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. 50 миллион сўмлик маблағ эвазига ташкил этилган мазкур корхонада ҳозир 6 минг бошдан ортиқ жўжа парваришланмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Япониянинг Хонсю оролида кучли цунами содир бўлиши кутилмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Сейсмологлар тарқатган маълумотга кўра, Тинч океани тубида – Токио шаҳридан 160 километр узоқликда кучли зилзила содир бўлган. Мамлакат ҳукумати маҳаллий аҳолини табиий офат содир бўлиши кутилаётган ҳудуддан хавфсиз ерларга кўчирмоқда.**

**● Франциянинг «Moet Hennessy Louis Vuitton» концерни Италиянинг «Bulgari» компаниясини 6 миллиард АҚШ долларига сотиб олди. «Bulgari» мамлакатдаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг нуфузли компаниялардан бири саналади.**

**Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Франциянинг «Moet Hennessy Louis Vuitton» концерни Louis Vuitton, Hennessy, Givenchy, TAG Hauer, Moet & Chandon каби элликдан зиёд брендлар остида зебу зийнат ишлаб чиқаради. Қарийб йигирма беш йилдан буён фаолият юритаётган мазкур компаниянинг кўплаб мамлакатларда уч юзга яқин дўкони бор.**

**● Ҳиндистоннинг Химачал-Прадеш штати тоғли туманларида кетма-кет юз берган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 41 киши қурбон бўлди.**

**● АҚШнинг Кинг-Харбор кўрфази ўлган балиқларга тўлиб кетди. Сув юзига қалқиб чиққан ўлик балиқлар кўрфазнинг аксарият қисмини банд этган. Бу ҳодисанинг сабаби ҳамон аниқлангани йўқ. Балиқчиларнинг айтишича, сув жонзотлари кислород етишмаслиги оқибатида қирилган. Айни дамда кўрфазни балиқлар ўлигидан тозалаш давом этмоқда.**

**● Дания Фемарн-Бельт бўғози орқали Лолланн ороли билан Германиянинг Фемарн оролини боғловчи 18 километр узунликдаги сувости йўли барпо этишни режалаштирмоқда. Бу тоннел фойдаланишга топширилгач, Копенгагендан Гамбурггача бўлган қарийб тўрт соатлик масофа бир соатга қисқаради. Тоннел қурилиши 2014 йилда бошланади ва 6 йил давом этади.**

**● Нефть қазиб олувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)га аъзо Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва Нигерия давлатлари «қора олтин» қазиб чиқариш ҳажмини кунига 300 минг баррелга оширишга келишиб олди.**

